

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 43 (1222)

2019 йил 7 ноябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank\_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



## АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ КЕСКИН КАМАЙДИ



Жорий йилнинг 5 ноябрь куни "Агробанк" АТБ томонидан Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" ғояси асосида давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалар бўйича ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманлари режасига мувофиқ, "Агробанк" АТБ тизимида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш жараёнлари ҳамда ижро интизоми мавзусига бағишлаб брифинг ўтказилди.

Унда "Агробанк" АТБ Бош офисининг раҳбар ва ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Брифингга таъкидланганидек, банк тизимида

тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кредитдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш



ҳамда аҳоли ва банк мижозлари томонидан билдирилаётган мурожаатлар ва уларнинг ечими бўйича жорий йилнинг ўтган даврида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Банк Бошқаруви томонидан аҳолининг кенг қатламлари, барча тоифадаги хўжалик юритувчи субъектларнинг банкка нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш, уларнинг талаб ва истакларида акс этган масалаларни ижобий

ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, таҳлиллар натижасида жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига келиб тушган мурожаатларнинг 88 фоизи кредит масаласида, шундан 75 фоизи ижтимоий дастурларга асосан имтиёзли шартлар асосида, гаровсиз ва имтиёзли фоизларда кредит ажратиш, 12 фоизи банк хизматлари юзасидан маълумот олиш масаласидаги мурожаатларни ташкил этди.

(Давоми 3-саҳифада)

## "ИСЛОМИЙ ДАРЧА" ТАМОЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 декабрдаги "Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 майдаги "Ислон тараққиёт банки гуруҳи ва араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросини амалга ошириш мақсадида, "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси ўртасида жорий йилнинг 22 август куни тузилган "ИсломиЙ дарча" хизматини банкда тадбиқ этиш бўйича келишувнинг шартларига мувофиқ, 2019 йилнинг 30-31 октябрь кунлари "Трастбанк" раҳбарияти ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси жамоаси вакиллари ўртасида ўзаро учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда "Трастбанк" хусусий акциядорлик банки раҳбарлари ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислон корпорацияси жамоаси раҳбари Mohammed Maher Manna, IT-лойиҳаларини бошқариш бўйича эксперти Ibrahim Al-Saywed ва лойиҳа менежери Музаффар Низомидиновлар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, исломий банкчилик – дунёнинг қатор мамлакатларида кенг қўлланиладиган молиялаштириш тамойилларига мос келадиган молиявий хизматларнинг муқобил туридир.

(Давоми 2-саҳифада)

XXI аср техника ва технологиялар ривожланиш асридир. Банкларга замонавий ахборот коммуникация технологияларини тадбиқ қилиш давр талабидир. "Рақамли банк" тизimini жорий қилиш орқали банк соҳаси замонавийлашади ва ривожланади.

## "АСАКА" БАНК: РАҚАМЛИ ТИЗИМГА ЮЗ БУРМОҚДА



Замон билан бирга қадам ташлаётган "Асака" АТБ ҳам ўз фаолиятига сўнгги технологияларни жорий этмоқда. Банк томонидан истеъмолчиларга сифатли, замонавий ва қулай "Рақамли банк" хизматларини тақдим этилмоқда.

Яқинда "Асака" банк томонидан ўтказилган "Рақамли банк": "Асака" банкда ушбу тизимнинг дастлабки босқичлари мавзусида матбуот анжуманида айнан шу масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда банкнинг мутасаддилари янги хизматларнинг қулайликлари ҳақида сўзлади.

(Давоми 3-саҳифада)

### ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА



ИПОТЕКА КРЕДИТИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ МОЛИЯВИЙ ВОСИТАДИР

→ 4

### ПРЕСС-ТУР



ЖАМҒАРИШ СИРИНИ БИЛАСИЗМИ?

→ 6

### ХУШХАБАР



БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ҚЎҚОНЛИКЛАР УЧУН ҲАМ ҲОЗИРУ-НОЗИР

→ 7

### СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

МАРКАЗИЙ БАНК ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАДИ

→ 8

### ДУНЁГА НИГОҲ

PSA PEUGEOT CITROËN

CHRYSLER

ЖАҲОНДА ЯНГИ АВТОГИГАНТ

→ 10

## “ИСЛОМИЙ ДАРЧА” ТАМОЙИЛИНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Учрашув давомида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси жамоаси раҳбари Mohammed Maher Mannai ва лойиҳа менежери Музаффар Низомиддиновлар банк раҳбарияти ва тегишли бўлим мутахассисларига “Исломий дарча” тамойиллари ва ислом молияси тўғрисида ўз тақдимотларини намойиш қилдилар.

— Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, биринчи навбатда шунини маънуният билан айтаманки, Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрганимиздан жуда мамнунмиз. Сабаби, бизнинг ташрифимизнинг асосий мақсади, “Траст-банк” орқали Ўзбекистонда истиқомат қилаётган мусулмон ва мусулмон бўлмаган аҳолига исломий-молиявий хизматларни таклиф қилиш, шунингдек ташрифимизнинг иккинчи сабаби, Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа буюк уламолар юртига бўлган бизнинг меҳр-муҳаббатимиз, ана шу буюк алломаларимиз ўтган юрт бизни ўзига жалб қилади, дейди Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси жамоаси раҳбари Mohammed Maher Mannai.

Бизнинг ташкилотимиз ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши жуда шарафли бўлгани учун ҳам “Трастбанк” томонидан “Исломий дарча”ни очиб ташаббусини биз маънуният билан қабул қилдик. Демак ўз навбатида шунини айтиб ўтишим жоизки, “Исломий дарча” бу фақат мусулмонлар учун эмас, балки мусулмон бўлмаган дин вакиллари учун ҳам қўлланилади. Исломий молиянинг асосий мақсадларидан бири, бу реал иқтисодийга таъсир қилиш ва унинг ўсишини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда “Трастбанк” орқали “Исломий дарча” фаолиятини йўлга қўйишни кўзда тутганмиз. Албатта, бу мамлакатда банк хизматларидан фойдаланмаётган мижозлар учун ҳам қўл келади. Чунки, бу “Исломий дарча”ни очиб орқали мижозларга ва жисмоний шахсларга уларнинг эътиқодидан келиб чиққан ҳолда муқобил молия-



вий хизмат турларини таклиф қилиш ҳамда уларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлади.

Бу жуда катта ташаббус ва республика тарихида биринчи мартаба амалга оширилмапти. Мисол учун айтадиган бўлсам, Ислом тараққиёт банки ва Ислом молия корпорацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган чуқур ислохотларни шохиди бўлмоқда. Шу навбатда республика бўйича исломий молияни ривожлантириш соҳасида ҳам жуда катта ишлар амалга оширилмоқда ва аминманки, келажакда исломий молияни ривожлантиришда Ўзбекистон аввалгидек буюк уламолари ва ислом маданияти маркази бўлгани каби “Исломий молия маркази” сифатида фаолият олиб боради. Ишончим комилки, мамлакатда бунга кенг имкониятлар яратилган ва бу ишларни банк мутахассислари билан бирга амалга оширишда бизнинг ташкилот қўлдан келганча ёрдам беришга тайёр.

Яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни истардим, “Трастбанк” номи ҳам бежиз эмас, яъни бунинг таржимасини “Ишонч” банк деб тушунадиган бўлса, бизнинг мақсадимиз мижозлар тарафидан “Исломий дарча”га бўлган ишонч ҳам таъминлашдан иборат. Бу қандай таъминланади? деган савол туғилиши табиий. Албатта, “Исломий дарча”нинг транзакциялари, банкнинг аънавий транзакциялари фаолиятдан ажратилган ҳолатда бўлади. Яъни, информация технологияси, бухгалтерия ҳисоби ва ҳоказо. Асосий мақсад, шариат тамойили ва қоидалари асосида исломий-

молия хизматлари билан таъминлашдан иборат.

“Трастбанк” орқали “Исломий дарча”нинг ишга тушиши мамлакатда иқтисодийни диверсификация қилишга сабаб бўлади. Иқтисодийда мамлакат аҳолисига муқобил молиявий хизматларнинг кўрсатилиши аҳоли учун кўпгина қўлайликлар яратади, бу эса иқтисодийнинг тўлақонли ривожланишига туртки бўлади.

Мисол учун айтадиган бўлсам, ҳозирги вақтда “Исломий молия” ва “Исломий банкчилик” Сингапур, Англия ва бошқа ривожланган давлатларда тез суръатлар билан ривожланмоқда. Сингапурнинг мусулмон аҳолиси 5 фоиз бўлишига қарамайдан, исломий банкчиликка бўлган талаб ва эҳтиёж юқори. Шундан келиб чиққан ҳолда мен аминманки, Ўзбекистоннинг 95 фоиз аҳолиси мусулмонларни ташкил этган мамлакатда ислом молияси бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Бугунги кунда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки раҳбарлари томонидан ҳам ислом молияси қўллаб-қувватланмоқда ҳамда уни ривожлантириш билан шуғулланувчи алоҳида департаментлар ташкил этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз Ўзбекистон Республикасида ҳам бу йўналишда ишлар ривожланишига ва “Ислом молия маркази” бўлишига қаттиқ ишонамиз ва бунга аминмиз, - дея сўзини якунлади Mohammed Maher Mannai.

Таъкидлаш жоизки, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида “Исломий дарча” хизмати-нинг жорий этилиши, банк мижозларига исломий тамойилларга асосланган чакана ва корпоратив банк хизматлари ҳамда маҳсулотларини таклиф этувчи янги молия-банк хизматларидан муваффақиятли фойдаланиш имконини беради.

Учрашув сўнггида “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида “Исломий дарча”ни ишга тушириш бўйича йўл харитаси тасдиқланди.

**Сабоҳат ҲАЙИТҚОРИЕВА**



FINANCEUZ хабар қилади

Жорий йилнинг 29 октябр куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ҳамда АИТБ “Ипак Йўли” банки ўртасида бўлиб ўтган учрашув доирасида умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни молиялаштириш орқали таваккалчиликни бўлишида иштирок этиш тўғрисида, ҳамда молиялаштирилмаган асосда лойиҳаларга халқаро молиявий институт томонидан кафолат тақдим этиш учун умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларига тенг шартнома битимлари имзоланди.

### ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН 10 МИЛЛИОН ДОЛЛАРИЛИК ШАРТНОМА

Ушбу шартномаларнинг мақсади ЕТТБ таваккалчиликларни тақсимлаш дастурида иштирок этиш орқали хусусий тадбиркорликни молиялаштириш кўзда тутилган. Имзоланган шартномаларга мувофиқ, ЕТТБ “Ипак Йўли” банки томонидан берилган индивидуал кредитларнинг қайтарилмаслиги таваккалчилигининг 50 фоизини қоплаш имкониятини яратиб беради, бу эса банкнинг кредит портфелининг ўсишига ёрдам беради.

Маълумот учун: “Ипак Йўли” банки ва ЕТТБ ўртасидаги ҳамкорлик микромолиялаштиришни ривожлантириш дастури бўйича техник ёрдам кўрсатиш доирасида 2000 йилдан бошланган. Ўтган давр мобайнида банклар ўртасида умумий қиймати 40 миллион АҚШ доллардан ортиқ бўлган икки томонлама шартномалар имзоланди.

Жорий йилнинг 28 октябр – 3 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасида 896,0 млрд. сўмлик битимлар тузилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 340,8 млрд сўмни ташкил этди.

### ЭКСПОРТ СОТУВЛАРИ ҲАЖМИ 5 БАРАВАРГА ОШДИ

Шу жумладан, биржа савдоларининг ҳажми 764,2 млрд. сўмни ташкил этди. Экспорт сотувларини ҳажми 5 бараварга ошиб, 2322,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Экспортнинг таркибида паролит газелирининг улуши – 30%, суюлтирилган газнинг улуши 23%, полиэтиленнинг улуши – 17%, sanoat мойи улуши – 8%, ва бошқа маҳсулотларнинг улуши 21% ни эгаллашди.

Кўргазма-ярмарка савдоларининг ҳафталик ҳажми 36,3 млрд. сўмдан ошди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар 11,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича haqid.uz махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг ҳажми 92,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежалиши 20,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида онлайн аукцион орқали 681 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 2,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 16,3% биринчи тоифадаги авторақамларга 47,9% иккинчи ва 35,8% учинчи тоифа авторақамларга тегишлидир.



(Бошланиши 1-саҳифада)

Бундан ташқари, аҳоли ва тadbиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида “Телеграм” ва “Facebook” ижтимоий тармоғлари ишга туширилган бўлиб, улар орқали тушган жами 1382 та мурожаатлар тезкорлик билан қўриб чиқилиб, 740 таси (54%) ижобий ҳал этилди. 642 та мурожаатчига ҳуқуқий тушунчалар берилди.

Шунингдек, мурожаатчиларга қулайлик яратиш мақсадида тизимда ишонч телефонлари ҳамда ягона “колл-маркази” ташкил этилган. Ушбу ишонч телефонлари орқали мижозларнинг жорий йилнинг шу даврига қадар 660 та мурожаатлари қабул қилиниб, 241 таси ижобий ҳал этилган, 394 таси мурожаатчига ҳуқуқий тушунчалар берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мурожаатлар таҳлили натижасида кредит масаласидаги мурожаатларни келиб тушишини олдини олиш, уларнинг салмоғини камайтириш, мижозларига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, кредитлар ажратиш жараёнини соддашлатириш ва кредит буюртмаларини тезлаштириш ортиқча бўғинларни камайтириш мақсадида ваколатлар оширилди.

Жумладан, банкнинг ҳудудий бошқармаларга 300 минг АҚШ доллари эквивалентида кредитларни ва туман филиаллари эса 50 минг АҚШ доллари эквивалентида кредитларни ажратишда бош банк билан қўшимча келишувсиз мустақил қарор қабул қилиш бўйича ваколатлари берилди.

Тан олиш керакки, илгари ҳар бир тўловни амалга ошириш учун фермер

## АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ КЕСКИН КАМАЙДИ



хўжалиги банкка келиши, навбат кутиши, вақт талаб қилар эди, эндиликда дастурлаштириш натижасида фермернинг иши анча енгилашди, иш вақти тежалди. Жорий йилда пахта ва ғалла етиштирувчи (35 мингта) фермер хўжаликлари билан ёқилғи ва минерал ўғитлар етказиб берувчи таъминотчилар ўртасида ҳисоб-китобларни “Хумо” корпоратив кредит карталари орқали ўтказиш жорий этилди.

Натижада фермер хўжаликларининг ёқилғи ва минерал ўғитлар тўғрисидаги тўловларни ўтказиш бўйича мурожаатлар камайтиришга эришилди. Ҳозирда банк мижозлари бўлган фермер хўжаликлари янада қулайлик яратиш, уларнинг шикоят ва мурожаатларини олдини олиш мақсадида барча агротехник (12 та) йўналишга тўловни 1 та карта орқали амалга ошириш бўйича тизим ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, пахта ва ғалла имтиёзли кредитлари учун кредит йиғмажид ҳужжатларини электрон тарзда шакллантиришлиши жорий этилади.

Шу билан бир қаторда аҳоли ва тadbиркорлардан келиб тушаётган мурожаатлар олдини олиш ва уларга банк хизматлари кўрсатишини янада яхшилаш ҳамда кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун “револьвер” ва “экспортчиларга нақд пулда” янги кредит турлари жорий этилди.

Банк мижозлари “револьвер” кредит туридан фойдаланилганда бир марта кредит ҳужжатлари тақдим этиб, йил давомида кредитдан фойдаланиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, жисмоний шахслар томонидан “Агро экспресс” миллий валютадаги пул ўтказмалари хизмати жорий этилди. Ушбу хизмат тури орқали жисмоний шахс ҳудудлараро пул ўтказмаларини амалга ошириши мумкин.

Банк Бошқаруви томонидан янги банк хизматлари жорий этилиши ва амалга оширилган тadbирлар натижасида аҳоли ва мижозлардан нақд пул, ҳисобрақамларидан пул маблағларини ўтказиш, ҳалқаро пул ўтказмалари, пластик карта хизмат тури масаласида мурожаат келиб тушиши олдини олишга тўлиқ эришилди.

Аҳоли ва банк мижозлари билан юзма-юз мулоқот қилиш мақсадида Банк Бошқарув расиси, ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида Республиканинг 177 та туман ва шаҳарларида тadbиркорлар билан сайёр учрашувлар ўтказилди. Мазкур ўтказилган сайёр учрашув давомида 73 мингдан ортиқ мижозлар иштирок этиб, улардан 3,5 мингта мурожаатлар келиб тушган ва мурожаатлар ижобий ҳал этилган.

Рустам ПЎЛАТОВ тайёрлади.

## “АСАКА” БАНК: РАҚАМЛИ ТИЗИМГА ЮЗ БУРМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

– “Асака” банкнинг автоматлаштирилган тизимига янги модуллар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда, – дейди “Асака” АТБ бошқарув раиси ўринбосари Бобохон Абдуллаев. – Бу янгиланишлар банк хизматлари сифатини яхшилаб, мижозларга қатор қулайликлар яратади.

Банк томонидан масофадан хизмат кўрсатиш сифати доимо оширилиб келинмоқда, юридик шахсларга мўлжалланган тизимнинг такомиллаштирилган талқини амалиётда фойдаланилмоқда. Ундан фойдаланувчилар сони бугунги кунга келиб 5437 дан ошди.

– Масофадан хизмат кўрсатиш модули – “Корпоратив интернет банк”дан фойдаланишни кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда, – дейди банкнинг Ахборот технологиялари департаменти бошлиғи Умид Набиев. – “Кредит анкетаси” модулини жорий қилиш орқали кредит ажратиш жараёнини жадаллаштириш, андозавий электрон кредит шартномаларидан фойдаланиш, кредит ажратишда инсон омилини камайтиришга эришилди.

Банк томонидан жорий этилган “SMS-банкнинг” масофавий хизматдан фойдаланувчилар сони ҳам мунтазам ошиб бормоқда. Бугун кунга келиб уларнинг сони қарийб 179 000 тани ташкил этмоқда.

– Мижозларга кўрсатилаётган



хизматлар сифатини ошириш мақсадида, жисмоний шахсларга “Asaka mobile” дастурий комплексининг мобил иловасини ички функционал имкониятлари ва дизайн қайта кўриб чиқилди, – дейди “Асака” банк Ижро аппарати бошлиғи Бекзод Тангматов. – Мазкур тизим орқали коммунал, бюджет, интернет, мобил алоқа, кредит ажратиш ва сўндириш сингари кўплаб амалиётларни бажариш мумкин.

Банк томонидан интернет тармоғи орқад мижозлар билан боғланиш имкониятлари яратилди. Жумладан, амалиётлар ўтказиш дастури – “My Asaka web” ишга туширилди. Интернет

тармоғидаги банкнинг расмий веб-сайти www.asakabank.uz мунтазам янгиланиб борилади. Банк сайти орқали эса банк тўғрисида тўлиқ маълумотлар, жумладан: кредитлар, банк хизмат тарифлари, банк тўғрисидаги статистик маълумотларни олиш мумкин.

Банкни ривожлантиришнинг устивор йўналишларидан бири бўлган “Рақамли трансформация” тамойиллари асосида ахборот коммуникация технологиялари имкониятларини тadbик этиш банкнинг амалиёт самарадорлигини ошириш ва асосий бизнес жараёнларни оптималлаштириш имкониятини беради. Банк бизнесини асоси бўлган дастурий тизимлар (DWH, CRM,

CRM, KPI, HR, Scoring ва бошқалар) шулардан иборатдир.

Банкнинг корпоратив тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш мақсадида банк филиалларида ишлаш кабел (ВОЛС) асосида маълумотлар алмашилиши алоқаси жорий қилинмоқда ва ушбу алоқа услубида ишлаш имкониятини берувчи юқори тезликдаги тармоқ коммутаторлари сотиб олинмоқда. Натижада Бош офис ва филиаллар ўртасидаги янги тармоқнинг имкониятлари асосида замонавий IP телефония, видеоконференция алоқа жорий этилади ва ахборот хавфсизлиги кучайтирилади.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш муҳим масала бўлиб, бунинг ижобий ҳал қилиш уни молиялаштириш тизимига узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз жорий йилнинг 28 октябр кунини аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу икки масалани бир-бирдан ажратган ҳолда ҳал қилиб бўлмайди.

## ИПОТЕКА КРЕДИТИ АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ МОЛИЯВИЙ ВОСИТАДИР

Йиғилишда халқимиз эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш кераклиги, бунинг учун эса, қарийб 30 триллион сўм зарур бўлиши, бу маблағ давлат бюджетининг 23 фоизидан зиёдини ташкил этиши таъкидланди. Шунингдек, давлат бюджетининг бунча қисмини биргина шу соҳага ажратиш бўлмайди. Шу боис йиғилишда ипотека тизимига босқичма-босқич бозор механизмларини жорий этиш, соҳада хусусий секторнинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Демак, республикада аҳолини уй-жой билан таъминлашни яхшилаш учун тижорат банклари томонидан ипотека кредити беришни ривожлантириш лозим. Бунинг учун тижорат банклари узоқ муддатли ресурслар базасига эга бўлишлари зарур. Шундагина муддати 15-20 йил бўлган ипотека кредитлари бериб, уй-жой қуриш ва уни аҳоли томонидан сотиб олишни молиялаштириш имкониятига эга бўладилар.



Тижорат банкларининг ипотека кредит беришда молиявий ресурс масаласини ҳал қилишда хорижий давлатларда қўлланиладиган замонавий қайта молиялаштириш механизмининг жорий этиш зарур. Шу ўринда Президентимизнинг 2019 йил 13 майдаги "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан Ипотекани қайта молиялаштириш компаниясини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу компаниянинг асосий вазифаларидан бири қилиб маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш ва уларни ипотека кредитлари бериш учун тижорат банкларига тақдим қилиш ҳисобланади. Компания узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб қилишда ипотека қимматли қоғозларни чиқариши ва уларни инвесторлар орасида жойлаштириши лозим.

Маҳаллий капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш ҳолати инфляция даражасига узвий боғлиқдир. Инфляция даражаси юқори бўлган шароитда нафақат узоқ муддатга маблағларни жалб қилиш, балки уларни ипотека кредити қилиб бериш ҳам молиявий жиҳатдан рискли ҳисобланади. Шунинг учун ипотека кредити бозорини ривожлантириш асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган инфляция даражасини яшилдириш зарур. Шу ўринда

2019 йил 31 октябр кунини давлатимиз раҳбарининг инфляцияни 2022 йилда 9,5 фоизгача тушириш бўйича топшириқ бергани аниқ мудоа бўлди.

Республикада инфляция даражаси нисбатан юқори бўлган шароитда уй-жойлар нархининг ошириш кетмаслиги ва ҳамёнбоп бўлишни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилиши белгиланган. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб 16 мингта оилага бошланғич бадал ва кредит фоиз харажатлари учун бюджетдан субсидия ажратилади. Ушбу субсидиялар бериладиган янги тизим тажриба тариқасида Тошкент шаҳри ва Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Тошкент вилоятларида жорий этилади. Бунда субсидиялар уйлар бошланғич бадалининг 10 фоизини ҳамда Тошкент шаҳри учун 12 фоиз, қолган шаҳарларда 10 фоиздан юқори кредит фоизларини қоплашга берилади.

Мамлакатимизда ипотека бозорини ривожлантиришнинг замонавий услуб-

лари ва воситаларини татбиқ этиш лозим. Бунинг учун илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, уларни республикада шариоитига мос ҳолда қўллаш керак. Масалан, Германиянинг қурилиш жамғарма кассалари тажрибасидан мамлакатимизда ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва янги уй-жой қуриш орқали аҳолини унга бўлган талабини қондириш учун фойдаланиш мумкин. Мазкур кассаларнинг ипотека кредитининг манбаи бўлиб аҳолининг жамғармалари, бундай кредитлардан фойдаланганлик учун қарздорнинг тўловлари бўлади. Қурилиш жамғарма кассаларининг ипотека кредитларини фақатгина унга шартномада белгиланган муддат ва суммада жамғарма қўйган киши олиши мумкин. Жамғарма учун ҳам, кредит учун ҳам фоиз ставкалари қатъий белгиланади. Шунинг учун ҳам 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози даврида Германиянинг қурилиш жамғарма кассалари молиявий барқарор бўлиб қолди.

Хулоса қилиб айтганда, республикада аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун ипотека кредити бериш механизмининг замонавий услуби воситалар орқали такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

**Ф. ДОДИЕВ**  
Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси  
кафедра мудири, и.ф.н.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИгини Қўллаб-қувватлаб



Ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни мустаҳкамланмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштироки қатор қарор ва фармонлар билан таъминланмоқда.

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, банк томонидан мазкур ҳужжат асосида бугунги кунга қадар 1 минг 451 лойиҳа ижросига 32,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани фикримиз тасдиғидир. Бундан ташқари, банк томонидан яна 89 лойиҳага 4,5 миллиард сўм миқдорида маблағ берилиши маъқулланган.

Шунингдек, жорий йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 34 641 тадбиркор аёлга 554,6 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди, 35 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди ҳамда бюджетга 1,1 млрд. сўмлик солиқ тушумлари тушиши таъминланди. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлларга 7,4 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Андижон вилоятида "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида 32 та йўналиш бўйича 419 та ихтисослашган маҳалла ўрганиб чиқилди. Шундан, 63 та маҳаллада 16 та ўзига хос йўналиш бўйича 6,9 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши натижасида 630 киши иш билан таъминланиб, доимий даромад манбаига эга бўлди.

Мисол учун, Андижон вилояти Марҳамат туманидаги "Бозорбоши" ва "Қорақўрғон" маҳаллаларида 150 нафар хотин-қизларга эчки жунидан рўмол тўқиш учун 1,6 млрд.

сўмлик кредит ажратилди. Бунинг натижасида ҳар бир фуқаро бир ойда ўртача 1,5-2 млн. сўм даромад олиш манбаига эга бўлди.

Кредит олувчиларга, шу жумладан, хотин-қизларга кредит ажратишда мураккаблашган механизмдан воз кечилиб, кредитлар ажратиш муддатларини қисқарттириш имконини берувчи "скоринг модели" ишлаб чиқилмоқда. Натижада, туман, шаҳар ва вилоятлардаги кредит комиссиялари тўлиқ туғатилиб, ортиқча овозагарчиликларга барҳам берилади.

Халқ банки билан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ўртасидаги ҳамкорлик келишувига асосан аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантиришда, уларга моддий ва ташкилий кўмак беришда ҳамда оилавий, хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар ажратишни йўлга қўйиш учун 100 миллиард сўмлик битим имзоланган эди. Шунга биноан, Халқ банки аёлларнинг оилавий ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш баробарида, уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ташкилий кўмак бериб келмоқда. Хусусан, жорий йилга ажратилган 100,0 млрд. сўмлик ресурс маблағлари ҳисобидан бугунги кунга қадар 3213 нафар хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 86,2 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда рағбатлантириб боришга доимий эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари ортиб, минглаб аҳолининг рўзгорига барака кирмоқда. Энг асосийси, одамларнинг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқмоқда.

**Банк Ахборот хизмати**

## БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакат банк тизimini ривожлантириш миллий иқтисодий ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Марказий банк томонидан амалга оширилган пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ва инфляция даражаси ошишининг олдини олиш имконини беради. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш эса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитларга бўлган талабларини қондириш, тўловларнинг узлуksизлигини таъминлаш, жамиятда вақтинчалик бўш турган пул маблағларини жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, депозит базасини мустаҳкамлаш ва ишончилигини ошириш банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришининг устувор йўналишлари сифатида белгиланган.

Мазкур устувор йўналишлар доирасидаги вазифаларни ҳал қилиш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш мақсадида капиталнинг етарлиликсизлигини нисбатан энг паст талабларни босқичма-босқич ошириб бориш талаби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг регулятив капиталга ва биринчи даражали капиталга нисбатан белгиланган минимал талаблар 2015 йил 1 январдан 2019 йил 1 январга қадар бўлган даврда босқичма-босқич ошириб борилди. Ушбу жараёнда, айниқса, биринчи даражали капиталнинг етарлиликсизлиги нисбатан белгиланган минимал талаб сезиларли даражада оширилди. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, тижорат банкларининг регулятив капиталнинг етарлиликсизлиги нисбатан минимал талаб 13% қилиб, биринчи даражали капиталнинг етарлиликсизлиги нисбатан энг паст талаб эса, 11% қилиб белгиланди. Ҳолбуки, 2015 йилда ушбу талаблар мос равишда 10% ва 5% эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизimini янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида” қарорига мувофиқ:

\* 2017 йилнинг 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдорига қўйилган талаб 100,0 млрд. сўм қилиб белгиланди;

\* тижорат банклари хўжалик субъектларининг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг юзга келиши ва хўжалик субъектларининг банк кассаларидан олган нақд пулдан мақсадли фойдаланишлари устидан назорат қилиш каби уларга хос бўлмаган функциялардан озод этилди (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017 й.).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3272-сонли “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қароридан пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш бўйича бир қатор муҳим чоратадбирлар белгиланди. Хусусан, мазкур Қарорга мувофиқ:

\* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ички нархларнинг барқарорлигини таъминлашда ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсати мақсадларига эришиш принцип ва механизмларини хорижий марказий банклар томонидан қўлланиладиган инфляциявий таргетлаш режимига ўтишнинг қўйидаги йўллар орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди;

\* Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига 2018 - 2021 йилларда Концепцияни амалга ошириш бўйича “йўл харитасини” ишлаб чиқиш вазифаси юкланди ва унда босқичма-босқич инфляциявий таргетлаш режимига ўтишнинг қўйидаги йўллар орқали амалга ошириш белгилаб қўйилди:

- умуиктисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг баланслашганлиги ва иқтисодий таргетлаш даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг келишилганлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- ликвидликни таъминлаш ва жалб қилиш операциялари бўйича пул-кредит сиёсатининг самарали қўлланиладиган фоиз инструментлари турларини кенгайтириш;

- тижорат банклари томонидан фоиз ставкаларини шакллантиришда, шу жумладан, кредитлар бўйича бозор механизмларини кенгайтириш;

- илғор хорижий тажрибага мувофиқ макроиктисодий таҳлил ва прогнозлашни такомиллаштириш;

- олиб борилаётган пул-кредит сиёсатининг, жумладан амалга оширилаётган сиёсатда қўлланилаётган инструментлар ва якуний мақсадлар тўғрисида ахборот етказиб бериш йўли билан, шаффофлик ва олдиндан башорат қилиш имкониятини ошириш.

Айни вақтда мамлакат банк тизimini ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ва ечимини топмаган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Ана шулардан бири бўлиб, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги муаммоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 25 октябр кунини бўлиб ўтган банк тизimini ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фа-

олигини оширишга бағишланган йиғилишдаги маърузасида эътироф этганларидек, банкларга қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган.

Тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслигини асосий сабабларидан бири бўлиб, банкларнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларни эмиссия қилиш йўли билан ресурслар жалб қилиш амалиётини такомиллашмагани ҳисобланади.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар улар мажбуриятларининг атиги 0,01 фоизини ташкил этди. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағлари уларнинг мажбуриятлари ҳажмида депозитлардан кейин иккинчи ўринни эгаллайди.

Шунингдек, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда давлат солиқ хизматида солиштириш далолатномасисиз инкассо қўйиш ва солиқ тўловларини аванс тариқасида ундириш ҳуқуқининг берилганлиги тижорат банклари томонидан берилган кредитларни ўз вақтида қайтаришга тўқтинлик қилмоқда.

Тижорат банкларида трансформация ризиқининг чуқурлашиб кетганлиги банкларнинг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Маълумки, трансформация ризиқ тижорат банки активларининг муддатини жалб қилинган ресурслар муддатидан катта бўлиши натижасида юзага келади. Ушбу ризиқни қисқа муддат ичида бартараф қилинмаслиги банкда баланслашмаган ликвидлик муаммосининг чуқурлашишига олиб келади.

Қайд этиш жоизки, республикамиз йирик тижорат банкларининг барчасида трансформация ризиқ мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва маънавий пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг ниҳоятда паст эканлиги банк тизimini ривожлантиришга тўқтинлик қилаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда иқтисодий пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси атиги 20,5 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич камида 40% бўлиши керак.

Мамлакат иқтисодий тизimini пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги иқтисодий таргетлаш тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди ва корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўқтинлик қилмоқда.

Иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, монетизация коэффициенти билан инфляция даражаси, номинал ва реал фоиз ставкалари

ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд. Монетизация даражаси М4 пул агрегати бўйича 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатларда инфляция даражаси, одатда, 10 фоиздан ошмайди, реал фоиз ставкаси эса, 1,5-5,0% даражасида бўлади. Монетизация даражаси паст бўлган, яъни 20 фоизгача бўлган мамлакатларда инфляция даражаси нисбатан юқори бўлиб, реал фоиз ставкаси салбий бўлади ёки паст даражада бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банкларининг узоқ муддатли қимматли қоғозларни эмиссия қилиш йўли билан узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида, биринчидан, инфляция ва миллий валютанинг кадрсизлигини суръатини пасайтириш йўли билан мазкур қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайтиришга йўл қўймаслик лозим; иккинчидан, инвесторларнинг тижорат банкларининг узоқ муддатли қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларидан оладиган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак.

2. Давлат солиқ органлари томонидан солиқ тўловларини солиштириш далолатномасисиз ва аванс тариқасида ундириш тартибини бекор қилиш лозим.

3. Тижорат банклари активлари ва мажбуриятларининг муддатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ва трансакцион депозитларнинг фақат барқарор қолдиридан ресурс сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш орқали трансформация ризиқига барҳам бериш лозим. Трансакцион депозитларда муддат мавжуд эмас. Бунинг устига, уларнинг беқарорлик даражаси жуда юқори. Шу сабабли, улардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш, активлар ва мажбуриятларнинг муддатлари ўртасидаги мувофиқлик таъминланган шароитда ҳам, тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

4. Мамлакат иқтисодий тизimini пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш учун пул массасини паст ва барқарор суръатларда ўсишини таъминлашга қаратилган пул-кредит сиёсатини Ж.М.Кейнс томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин таклиф этилган умумий талабни рағбатлантиришга қаратилган бюджет сиёсати билан уйғунлаштирган тарзда олиб бориш лозим.

Экспансионистик монетар сиёсат тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантиради ва кредитларнинг номинал яряи ички маҳсулотга нисбатан даражасини ошириш имконини беради. Бу эса, пул массасининг мультипликатив кенгайтишини таъминлаш имконини берган ҳолда, иқтисодийнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Тўлқин БОБОҚУЛОВ  
ТМИ “Банк иши” кафедраси  
профессори, и.ф.д.  
Ўткир АБДУЛЛАЕВ  
ТМИ “Банк иши” кафедраси  
доценти, и.ф.н

## ЖАМҒАРИШ СИРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Тан олиш керак, жамғариш ҳамнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун билим ва кўникма керак, жамғариш сирларини ўрганиш керак.

31 октябрь дунё миқёсида Бутунжаҳон жамғариш куни сифатида белгиланган. Мазкур сана муносабати билан бу йил Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан республика тижорат банклари томонидан турли тадбирлар ташкил қилинмоқда.



Бугун акциядорлик-тижорат "Қишлоқ қурилиш банк"нинг минтақавий филиаллари ходимлари қатор ўрта умумий таълим мактабларида "Очиқ дарс"лар ўтказдилар. Ўқувчиларга жамғариш сирлари, банкнинг жамғариш имкониятлари, банк фаолиятининг асосий мақсадлари ва йўналишлари ҳақида тушунчалар берилди.

Мактаб ўқувчилари иштирокида "Менинг жамғариш сирим" мавзусида иншо-лар ва расмлар танловлари ўтказилди. Танлов ғолиби ва совриндорлари банк филиаллари томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Шунингдек, бугун "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларида "Очиқ эшиклар куни" тадбири ташкил қилинди. Мактаб ўқувчилари филиалларга ташриф буюришиб, банк фаолияти ва мижозлар билан ишлаш жараёнлари билан танишдилар. Кўрсатилаётган замонавий хизматлар ва технологиялар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳозир мактабларда камолга етаётган ёшлар келажагимиз бунёдкорларидир. Улар келгусида, албатта, у ёки бу тижорат банкининг хизматларидан фойдаланишади. Демакки, улар орасида "Қишлоқ қурилиш банк"нинг бўлғувси мижозлари ҳам камолга етмоқда.

Ўзаро мулоқотларда кўплаб ўқувчилар ўзларида келажақда банк соҳаси ходими бўлиш истаги туғилганлигини билдирдилар.

Шундай қилиб, Бутунжаҳон жамғариш куни муносабати билан ўтказилган тадбирлар амалий аҳамият касб этади.

finance.uz

Жорий йилнинг 30-31 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ОАВ вакиллари учун Самарқанд вилоятига пресс-тур ташкил этди. Унда иштирокчилар банк томонидан молиялаштирилган экспортчи корхоналар фаолияти билан танишиш баробарида "Ўзмиллийбанк"нинг Самарқанд вилояти бўлимига ҳам ташриф буюрди.

Пресс-тур қатнашчилари дастлаб Самарқанд вилояти Ургут туманидаги "Ургут Микро Метал" масъулияти чекланган жамиятида бўлишиб, ишлаб чиқариш жараёнини яқиндан кузатишди.

Маълумотларга кўра, корхона 2018 йилда "Ўзмиллийбанк" томонидан ажратилган 1 млн. 60 минг АҚШ доллариллик кредит маблағига эвазига тиш шёткаси, скотч, нелон ва акрил елимини ишлаб чиқарувчи корхонани бунёд этди.

– Бизнесимизни йўлга қўйиш учун анча мулоҳаза қилиб кўрдик, – дейди корхона таъсисчиси Шаҳоб Мирбобоев. – Чунки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш осон иш эмас. Унга киришдингми, кейин ортга қайтиб бўлмайдими. Шу боис, етти ўлчаб бир кес нақлага амал қилиб, аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бунинг учун маҳаллий ва хориж бозорларини ўрганиб, кейин бизнесимизни бошладик. Айни дамда фақат тиш шёткаси ва скотч ишлаб чиқараётган бўлсак, тез орада маҳсулот турларини янада кўпайтириш устида иш-ляпмиз. Бунинг учун 2020 йилда яна 1.5 млн. АҚШ доллари кредит олиб, Хитойдан яна ўн дона махсус ускуналар сотиб олиб, сифатли ва арзон тиш пастаси ишлаб чиқаришни бошламоқчимиз. Натижада корхона маҳсулотлари тури ҳам ишчилари сони ҳам 35 тадан 60 тага ортади. Энг асосийси, маҳсулотларимизни қўшни давлатларга экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Бугун юртимизнинг шириндан шакар мевалари етиб бормаган ўлкалар қолмади ҳисоб. Чунки табиий шароитда етиштирилган меваларимизга жаҳон бозорига талаб катта бўлиши баробарида уддабурон тадбиркорларимиз ҳам тобора жаҳон бозорига ўз ўрнига эга бўлиб бораётирки, бу экспорт географиясини янада кенгайтишига имкон бераётир. Худди шундай тўрт йилдан буюн фаолият юритаётган "Ургут Агро



## БАНК КЎМАГИ ЭКСПОРТНИ ОШИРМОҚДА



– Вед Сервис" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам бу борадаги ишлари ва эришган натижалари ҳам айтса арзигуликдир. Чунки корхона ўтган йили 3,5 млн. АҚШ доллари кийматида маҳсулот экспорт қилган бўлса, жорий йилнинг шу давригача 3 млн. АҚШ долларилик маҳсулотни Қозоғистон, Россия, Украина, Беларусь, Хитой каби мамлакатларга етказди.

– Биз дастлаб, Ургут туманимизнинг баҳаво жойларида етиштирилган меваларни хорижга экспорт қилишни бошладик. Аста-секин қуритилган меваларга талаб орта борди. Сўнгра "Ўзмиллийбанк"нинг 2,5 млрд. сўмлик молиявий кўмағида Хитойдан меваларни тозалаш, ювиш, қуритиш, қайта тайёрлаш ва қадоқлашга мўлжалланган махсус ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Натижада корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ойига 450-500 тонна, йиллик – 6000 тоннани ташкил этди. Айни дамда иш кўламини янада кенгайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўряпмиз. Агар корхонамиз тўлиқ қувват билан ишга тушса, яна 150-200 ишчи ўрни яратилади, – дейди корхона раҳбари Соли Маҳмудов.

Худди шунингдек, "Ургаз Карпет" гилам ишлаб чиқариш корхонаси ҳам 2002 йилдан бўён "Ўзмиллийбанк" билан ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга ошириб келяпти. Пресс-тур иштирокчилари мазкур корхонада ҳам бўлишиб, Европа стандарти асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечиришди.

Корхона дастлаб 30 та ходим билан механик равишда ишни бошлаган бўлса, 2006 йилдан тўлиқ компьютерлаштиришга ўтди ва барча технологиялар Миллий банкнинг молиявий кўмағида харид қилинди. Айни дамда 300дан зиёд иш-

чилар меҳнат қилаётган корхонада Туркия, Англия, Германия, Италия, Австрия ва Бельгиядан келтирилган ускуналарда коллеж битирувчилар Европа стандартидаги гиламлар ишлаб чиқармоқда. Қолаверса, "Ўзмиллийбанк" томонидан корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида яқинда 2 млн. евро миқдорда молиявий кўмак берилди. Натижада бу маблағга қўшимча Белгиядан 10 та ва Германиядан 2 та ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Бу эса, корхонанинг экспорт салоҳиятини янада ошишига хизмат қилди. Айни дамда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Доғистон, Латвия, Россияга каби давлатларга корхонанинг 40 фоиз маҳсулоти экспорт қилиниб, қўриладиган йиллик даромади 7-8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Пресс-турнинг иккинчи куни ОАВ ходимлари "Ўзмиллийбанк"нинг Самарқанд вилояти бўлимига ташриф буюрдилар ва унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 1992 йилда иш бошлаган мазкур "Ўзмиллийбанк" Самарқанд бўлимининг 1 ноябрь йил ҳолатига кўра, мижозлари сони 325 795 та бўлиб, шундан, юридик шахслар – 29 902 та, жисмоний шахслар – 295 893 тани ташкил этади. Йил бошига нисбатан ушбу кўрсаткич 17 286 тага кўпайган.

Шунингдек, йил бошидан бери барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар суммаси 805,9 млн. сўми, шундан, хорижий валютада 55,0 млн. АҚШ доллари ва 5,0 минг Евро, миллий валютада 237,9 млн. сўми ташкил этади. Хорижий кредит линиялари асосан, Хитой Давлат Тараққиёт банки ва Осие Тараққиёт банк кредит линиялари ҳисобидан ажратилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари пресс-тур доирасида хусусий тадбиркорларга яратилаётган шароитлар ҳамда қулай ишбилармонлик муҳити тўғрисида тасаввур ҳосил қилдилар. Шунинг баробарида тадбиркорларга ва банк мутасаддиларига ўзларининг қизиқтирган саволларига тўлақонли жавоб олдилар.

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Жорий йилнинг 4-октябр куни “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Қўқон филиали қошида Банк хизматлари маркази очилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан банк-молия хизматлари етиб бормаган шаҳар марказларидан олисдаги қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий тизимда хизмат кўрсатишни ташкил этиш ишлари фаол олиб борилмоқда.

Хусусан, замонавий ёндашувлар асосида барпо этилиб, аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган Банк хизматлари марказининг навбатдаги бўлими Қўқон шаҳрида ишга туширилди.

Марказ илғор коммуникация воситалари ҳамда замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Уларда малакали банк ходимлари юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли банк ва консалтинг хизматларини кўрсатади. Ҳисоб рақам очиб, кредит олиш учун ариза бериш, онлайн омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмалари марказдаги хизматлар сирасига киради.

Марказда 24/7 режимида фаолият кўрсатувчи замонавий банкомат ва инфокиосклар эса ҳудуд аҳолиси ҳамда меҳмонларига ҳафтанинг исталган куни, сутканинг исталган вақтида миллий ва

## БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ ҚЎҚОНЛИКЛАР УЧУН ҲАМ ҲОЗИРУ-НОЗИР



халқаро пластик карталаридаги маблағларини нақдлаштириши, коммунал, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабель телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни амалга оширишларига қулай шароит яратади.

Шундай қилиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” тизимида банк хизматлари истеъмолчилари манфаатларини тўла қаноатлантириб, уларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатувчи Банк хизматлари маркази 27 тага етди.

## ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИ

Бугунги кунда “Туронбанк” АТБ томонидан кўрсатилаётган сифатли, тезкор, асосийси ҳалол меҳнат натижасида, молия муассасасига ишонч билдирган мижозлар сони сезиларли ошиб, 23 мингдан ортиқ компаниялар ўз бизнесларини энг омадли лойиҳалар қаторига қўшиш имконига эга бўлишди. Бунда эса Республиканинг барча ҳудудларида эрта-ю – кеч меҳнат қилаётган бир қатор банк бўлинмалари ва янгидан ташкил этилаётган банк хизматлари марказлари ходимларининг муносиб ҳиссаси бор.



Аҳолига молиявий хизматларни кўрсатиш сифатини янада ошириш ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида пойтахтимизнинг Миробод ва Мирзо Улугбек туманларида “Туронбанк” АТБнинг навбатдаги иккита замонавий банк хизматлари марказлари иш бошлади. Уларнинг очилиш маросими тантанали тарзда ўтказилиб, унда молия муассасаси раҳбарияти, банк ходимлари ва мижозлар иштирок этишди. Марказлар анъанага мувофиқ алвон тасма кесилган ҳолда очиқ дея эълон қилинди.

Айтиш керакки, янгидан ташкил этилган банк хизматлари марказларида малакали банк ходимлари юридик ва жисмоний шахсларга кенг қўламли молиявий ва консалтинг хизматларини кўрсатади. У ерда ҳисоб рақам ва пластик карталар очиб, кредит олиш учун ариза

бериш, омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини бажариш мумкин.

Замонавий банкомат ва инфокиосклар 24/7 режимида ишлайди. Бу миллий ва халқаро пластик карталардаги маблағларни нақдлаштириш, коммунал, уяли алоқа операторлари, шаҳар телефонлари, кабел телевидениеси, интернет хизмати учун тўловларни ҳафтанинг исталган куни, сутканинг ҳар қандай вақтида амалга ошириш имконини беради.

Шунингдек, марказларда жойлаштирилган универсал кассалар мижозларнинг навбат кутиб, сарсон бўлишларига ҳам чек қўяди. Биргина ходимнинг ўзи ҳар қандай саволга жавоб бериб, сифатли хизмат кўрсата олади.

– Бизнинг маҳалламизда аввал-

лари бундай банк марказлари йўқ эди. Кредит олиш, омонатларни жойлаштириш у ёқда турсин, оддийгина пластик карточкамиздаги маблағларни нақдлаштириш учун ҳам бир неча километр йўл босиб, банк бўлинмаларига борар эдик. “Туронбанк” АТБ ташаббуси билан бу ерда ушбу хизмат кўрсатиш марказининг очилиши, узоғимизни яқин, мушкуллимизни осон қилди. Жуда ҳам чиройли тарзда қурилганини кўриб, очилиш маросимида иштирок этдим. Барчаси замонавий, мутахассислар ҳам барча саволларимизга тезда жавоб қайтариб, хизматлар билан таништиришмоқда. Бунинг учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимни билдираман, – деди фуқаро Гулҳумор Омонуллоева.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, марказларнинг замонавий дизайн асосида миллий меъморчилик андозалари билан уйғунлашганлигидир. У ерда ташриф буюрувчилар учун шинам жой тайёрланган бўлиб, ўрнатилган мониторда “Туронбанк” АТБда жорий этилаётган янги хизматлар ҳақида батафсил маълумот бериллади.

– Марказимизнинг аҳоли гавжум ҳудудда жойлашганлиги биз учун ҳам маҳаллий аҳоли учун ҳам қулайлик туғдиради. Банк учун мижозлар билан яқинроқ бўлиш ва кенгроқ хизмат кўрсатиш имконини берса, аҳоли учун марказ орқали барча банк хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Бундан икки томон ҳам манфаатдордир. Айни дамда марказларимиз кунига 200 нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Қолаверса, банкомат ва автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи киоскалар ҳам доимий равишда эл хизматида, – деди “Туронбанк” АТБ стратегик ривожлантириш ва маркетинг департаменти раҳбари вақтинча вазифасини бажарувчи Равшан Файзиев.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мижозларга хизмат кўрсатишни замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришга ҳуқуқий кўмак бўлмоқда. Натижада истеъмолчилар манфаатлари тўла қаноатлантирилиб, янги банк хизматлари ва маҳсулотлари ўз вақтида тадбиркорлар ҳамда аҳолининг барча қатламига бирдек етказилмоқда.



## МАРКАЗИЙ БАНК ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАДИ

1.11.2019 йилдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги ЎРҚ-578-сон Қонун эълон қилинди. У уч ой ўтгач кучга киради.

Моҳиятан, ҳужжат ўзини “Электрон тўловлар тўғрисида” ги Қонуннинг жиддий кенгайтирилган ва тўлдирилган версияси сифатида намоён қилади. Шунингдек, унда тўлов тизими тушунчаси берилган, уларнинг турлари, иштирокчилари ва фаолият юритиш қоидалари ҳақида айтиб ўтилган, бироқ батафсил ва аниқ баён қилинган. Бир қатор жиҳатларига кўра, албатта, ҳужжатлар бир-биридан фарқ қилади. Масалан, тўлов тизимларининг янги таснифи жорий этилмоқда. Агар ҳозир улар банклараро, банкнинг ички ва чакана тўлов тизимларига бўлинса, янги қонун бўйича – муҳим ва бошқа тўлов тизимларига бўлинади.

Биринчисига МБ томонидан белгиланган мезонларга (бозор улуши ва тўловларнинг йиллик ҳажми) жавоб берадиган тизим қиради, тўлов хизматлари бозорининг барқарор фаолият кўрсатиши бундай тизимнинг узлуксиз ишлашига боғлиқ, унинг ишидаги тўхталишлар (узилишлар) эса, таваккалчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Марказий банк муҳим тўлов тизими жумласига киритади, уларнинг операторларига эса, анча жиддий талаблар қўйилади. Тўлов тизимида таваккалчиликларни бошқариш тизими ва ўзини ўзи баҳолаш мезони тартибга солинган.

Тўлов хизматлари бозорига алоҳида боб бағишланган. Уларнинг турлари, етказиб берувчилар ва уларга қўйиладиган талаблар, тўлов хизматлари кўрсатиш тартиби, шу жумладан тегишли шартнома тузишнинг асосий шартлари ва механизми, тўлов ташкилотлари фаолиятини чеклаш ва тўлов агентлари ва субагентлар орқали ишлаш хусусиятлари белгиланган.

Ҳужжатда тўлов тизимлари ва тўлов хизматлари бозорини давлат томонидан тартибга солиш масаласига етарлича эътибор берилган. Регулятив дастакларнинг аксарияти Марказий банк қўлида жамланган. Хусусан, айнан МБ:

а) тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларига лицензия беради ва улар устав капиталининг энг кам миқдорини белгилайди;

б) назоратни амалга оширади – бир йилда кўпи билан 1 марта ўтказиш мuddати 30 кундан ошмайдиган тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларини инспекция текширувларидан ўтказиши (алоҳида масалалар бўйича ёки комплекс). Яқунлари бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни олова қилган ҳолда, текширилаётган субъект фаолияти тўғрисидаги умумий ахборотни, текширув жараёнида аниқланган қоидабузарликлар ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган текширув далолатномасини тузади;

в) терроризмга қарши қонунчилик бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмани бажармаганлик учун, башарти бу тўлов тизимининг узлуксиз ишлашига салбий таъсир кўрсатса, қуйидаги санкциялардан бирини қўллади:

БҲМнинг 5 000 бараваригача бўлган миқдорда жарима солади (материални эълон қилиш санасида – 1,1 млрд сўмдан ортқ, тахр.);

тўлов хизматларининг ва (ёки) операцияларнинг айрим турларини амалга оширишни 6 ойгача бўлган муддатга чеклайди;

лицензиянинг амал қилишини 10 иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб туради.

Бундан ташқари, Марказий банк тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматлари етказиб берувчилари устидан ахборот хавфсизлиги режимига риоя қилиш борасида назорат қилади. Ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмай улар МБга тегишли ҳисобот тақдим этиши, режим бузилган тақдирда эса, бу ҳақда ҳамда унинг оқибатларини камайтириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида тезкорлик билан хабар бериши шарт. Регулятор тўлов тизимларининг ахборот хавфсизлиги режими бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва юритишни амалга оширади.

Тўлов тизимларининг ишлаши устидан кузатув амалга оширилаётганда МБ улар (муҳимларига урғу берган ҳолда) тўғрисидаги ахборотни умумлаштиради, тизимлаштиради ва таҳлил қилади.

norma.uz

## СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ, МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЛОМБАРДЛАРГА НИСБАТАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЧОРАЛАР ВА САНКЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИНГ 4-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 7 сентябрда 2063-3-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 29 декабрдаги 39/1-сон қарори (рўйхат рақами 2063, 2010 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаш-

тиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганликларини учун тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисидаги низомнинг 4-банди тўртинчи хатбошидаги “энг кам ойлик иш ҳақининг” деган сўзлар “базавий ҳисоблаш миқдорининг” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси  
Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
21/15-сон

М. НУРМУРАТОВ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА  
МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲУДУДИЙ  
БОШ БОШҚАРМАЛАРИ ТОМОНИДАН  
БАНКЛАРАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИНИ ЎЗ  
КУЧНИ ИЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ  
ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги томонидан 2019 йил 24  
сентябрда 798-1-сонли рақам билан  
рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 24 июлда 447-сон билан тасдиқланган Фавқулодда ҳолатларда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 798, 1999 йил 6 август) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси М. НУРМУРАТОВ  
Тошкент ш.,  
2019 йил 14 сентябрь,  
22/2-сон

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА БАНК  
ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ВА БАНКЛАРАРО  
ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА  
ОШИРИШ ТАРТИБИНИ ЎЗ КУЧНИ  
ИЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги томонидан 2019 йил 25  
сентябрда 799-1-сонли рақам билан  
рўйхатдан ўтказилди*

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 24 июлда 448-сон билан тасдиқланган Фавқулодда вазиятларда банк операцияларини ва банклараро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 799, 1999 йил 6 август) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси М. НУРМУРАТОВ  
Тошкент ш.,  
2019 йил 14 сентябрь,  
22/3-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА  
ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда 2886-4-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ги, "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида" ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида" ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019

йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### Марказий банк раиси

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
343-В-4-сон

### Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 август,  
23-сон

### М. НУРМУРАТОВ

### Д. РАХИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 24 августдаги 343-В-4, 23-сон қарорига  
ИЛОВА

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА, ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ВА ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ИЧКИ НАЗОРАТ ҚОИДАЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 1-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"учинчи томон – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар."

2. 22-банднинг "б" кичик бандида: иккинчи – олтинчи ва тўққизинчи хатбошиларидagi "энг кам иш ҳақи" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш" деган сўзлар билан алмаштирилсин; еттинчи хатбоши "сотиб олиниши" деган сўзлардан кейин "(резидент жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдорда нақд чет валютаси сотиб олинганда)" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Куйидаги мазмундаги 232-банд билан тўлдирилсин:

"232. Тижорат банклари мазкур Қоидаларнинг 23-банди иккинчи – тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг лозим даражада текшириш натижаларига ишонилари мумкин. Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнгги жавобгарлик тижорат банкларининг зиммасида қолади. Бунда тижорат банклари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар

нужасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари асосида ишлашига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Тижорат банклари мазкур банднинг иккинчи – тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилинмаган тақдирда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга ошириши керак.

Тижорат банклари мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади ҳамда мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли.

Тижорат банклари шартномада ва (ёки) шартнома офертасида мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар тижорат банклари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиши лозим."

4. 26-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"26. Тижорат банки томонидан жисмоний шахс – мижозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) ёки мижознинг биометрик маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда тижорат банки жисмоний шахс – мижоз идентификацияси:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилганда бундай ҳужжатнинг асли билан танишиб чиқиши;

биометрик маълумотлар асосида амалга оширилганда эса, ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизими билан верификация қилиши лозим."

5. 38-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидagi "энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоригача" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 45-банднинг тўртинчи хатбошиси "томонидан амалга оширилган" деган сўзлардан кейин "ёки тижорат банклари томонидан биометрик маълумотлар асосида идентификация қилинган, шунингдек учинчи томонлар амалга оширган мижозларни лозим даражада текшириш натижаларига тижорат банкларининг ишонган" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 48-бандда:

ўн учинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилардаги "энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги "энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

"жисмоний шахсларнинг фойдасига юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларининг дивиденд ёки даромад сифатида кўчирилиши;"

йигирманчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирманчи хатбошидаги "миқдори энг кам иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбоши "олувчининг ҳисобварағига" деган сўзлардан кейин "операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммада" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 49-бандда:

учинчи, тўртинчи, еттинчи ва ўн бешинчи хатбошилардаги "энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги "энг кам иш ҳақининг 20000 баравари миқдорига" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг 20000 бараварига" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

EurekaAlert! матбуот хабарномасида ёзилишича, Австралиядаги Монаш университети олимлари глобал иссиқлик касалликлар ортишига ва озуқа етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган хавфли ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлигига оид хулосага келган.

## ЯНГИ ТАҲДИД ҲАҚИДА БАШОРАТ



Тадқиқотчилар Бразилия аҳолисининг 80 фоизини қамраб олган, 2000 йилдан 2015 йилга қадар қайд этилган касалликлар тўғрисидаги ҳамда ўртача кундалик ҳарорат ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилган. Аниқланишича, жазирама иссиқ ҳавода ҳар бир қўшилган градусдан сўнг тўйиб овқатланмаслик оқибатида шифонага тушганлар сони 2,5 фоизга ошган. Бундай ҳолат асосан 80 ёшдан ошганлар ҳамда беш ёшдан 19 ёшгача бўлган аҳоли ўртасида кузатилган.

Иссиқ ҳавода иштаҳа пасаяди,

унинг ортидан озиқ-овқат харид қилиш ва таом тайёрлаш истаги сўнади. Бу эса, ошқозон ости касалликлари юзага келишига сабаб бўлади. Етарлича овқатланмаслик оқибатида шифонага тушганларнинг 15 фоизи ҳавонинг исиб кетиши билан боғлиқ бўлди.

Олимлар ҳисобига кўра, иқлим ўзгариши бутун дунё бўйича озиқ-овқатни олишга бўлган талабни 3,2 фоиз пасайтиради ва бунинг оқибатида 2050 йилга бориб 30 мингга яқин одамлар тўйиб овқатланмаслик туфайли вафот этади.

Fiat Chrysler директорлар кенгаши ва PSA Peugeot бирлашиш тўғрисидаги келишувга имзо чекди. Бу билан улар дунё бўйича автомобиль ишлаб чиқарувчиларнинг тўртинчи ўрнини эгаллаши мумкин.

## ЖАҲОНДА ЯНГИ АВТОГИГАНТ

Кўшма компаниянинг қиймати 50 миллиард АҚШ долларига тенг бўлади. Томонлар биргаликда электромобиль ва рулсиз транспортни ишлаб чиқариш бўйича бизнесни ривожлантириш ниятида бўлиб, технологиялар алмашилини бошлашади.

Бирлашув паритет шаклда амалга оширилиб, акциядорларга янги компаниянинг ярми тегишли бўлади. Fiat Chrysler бундай қарорга Renault билан бирлашишдан воз кечганидан беш ойдан сўнг келди.

Fiat Chrysler Alfa Romeo, Chrysler, Dodge, Jeep, Lancia, Ram Trucks брендли автомобилларга эга бўлиб, PSA Peugeot эса Peugeot, Citroen, DS, Opel ва Vauxhall русумли автомобиллари билан машхур.

Сотилган автомобиллар сони (2018 йилда 8,7 миллионга) бўйича улар Volkswagen, Nissan-Renault-Mitsubishi ва Toyota Motor компанияларидан кейинги ўринда туради.

PSA PEUGEOT CITROËN

CHRYSLER



Россияда 1 ноябрдан бошлаб микромолиявий ташкилотларга уй-жойни ёки унинг қисмини гаровга қўйиб кредит беришни таъқиқловчи қонун кучга кирди.

Бундан ташқари, Россия Президенти Владимир Путин томони-

## РОССИЯДА УЙНИ ГАРОВГА ҚЎЙИШ ТАЪҚИҚЛАНАДИ

дан имзоланган қонунда микромолиявий ташкилотларнинг хусусий сармоysi миқдорида бўлган талаб ҳам ўзгариши қайд этилди. Унинг миқдори аввалгидек 10

минг рубль эмас, балки 2020 йил 1 июлдан бошлаб камида бир миллион рублни ташкил қилиши, 2024 йилга қадар эса, бу ҳажм йилига миллион рублга ошиши маълум қилинади.

Россия Давлат Думаси спикери Вячеслав Володин қайд этганидек, бу қонун "худоудларни қамраб олган уй-жой қурилиши тўлқинини кесиб ўтади". Шунга қарамай, микромолиявий ташкилотлар нотураб жойни гаровга олган ҳолда кредит ажратиши мумкин.

Февраль ойида Путин микромолиявий ташкилотларнинг ноқонуний ҳаракатлари ва фуқароларга нисбатан ижрочиларнинг номақбул муносабатларини бартараф этиш бўйича кўрсатма берган эди. Тегишли қарор лойиҳаси президентнинг Федерал кенгашга қарата айтган мурожаатида мавжуд эди.

ВВС хабар беришича, аҳоли сони қисқариши муаммосини ҳал этиш мақсадида Финляндиядаги кичик бир туман маъмурияти ўз фуқароларига ҳар бир туғилган бола учун 10 минг евро тақдим этадиган бўлди.

## ФИНЛЯНДИЯДА ТУҒИЛГАН БОЛАГА 10 МИНГ ЕВРО МУКОФОТ АЖРАТИЛАДИ

2012 йилда Лестиярвида туғилиш сони кескин камайишни бошлади. Кичик бу худудда ўша йили бир нафар бола дунёга келди. Аҳоли сони кўпайиши ўрнига камайиб бораётгани кўпчиликни ташвишга солди. Лестиярви маъмурияти аҳоли сони ортишига оид кескин чора қўллашга қарор қилди ва ҳар бир туғилган бола учун пул мукофоти тақдим этишни йўлга қўйди.

10 минг евролик мукофот пули 10 йил давомида бўлиб-бўлиб тўланадиган бўлди.

Туғилиш сонининг камайиши ва ўртача яшаш умрининг узайиши бутун дунё бўйича аҳолининг кескин кексайишига сабаб бўлди.

"Вести.Экономика" маълум қилишича, Финляндия дунёнинг энг кекса аҳоли сони кўп ўнтя мамлакат рўйхатидан ўрин эгаллаган. Кўп йиллар давомида мамлакатда туғилиш сони бўйича кўрсаткичлар ўлим сонидан камроқни ташкил этади. Айни пайтда иммиграция ҳисобига аҳоли сони ортиши кузатилмоқда.

Демография бу – жаҳон иқтисодиёти ва дунё келажагига энг кучли хавф туғдирадиган жараёнга айланди. ИХТТ башорат қилишича, кўплаб ривожланган мамлакатларда жиддий демографик номувофиқлик қайд этилади. Хусусан, у давлатларнинг аксариятида ёш авлодга нисбатан кекса ёшдаги авлод вакиллари кўпчиликни ташкил этади.



## ЖАҲОННИНГ ЭНГ ҚИММАТ ВА НОЁБ ТАНГАЛАРИ ҚАНЧА ТУРАДИ?

Уларнинг вазни бир неча граммни ташкил қилади, бироқ улар учун одамлар жиноятга қўл уриш, эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш учун катта миқдордаги маблағларидан воз кечишга тайёр.

Улар шахсий тўпламлардан ҳамда музей экспонатлари орасидан муносиб ўрин эгалламоқда. Аксарият вақтларда тангаларнинг қиймати номинал ёки нимадан тайёрланишидан келиб чиқиб белги-

ланмайди, балки унинг ўзига хослиги билан нархи белгиланади.

Лондондаги Morton&Eden савдо кўргазмасида эрамининг 732 йилида ишлаб чиқарилган олтин диноб бир зумда сотилиб кетди. Олтин танга учун 3,7 миллион фунт (4,75 миллион АҚШ доллари) тўланди. Шахсий тўпламдан тақдим этилган танга бутун дунё нумизматларининг эс-ҳушини ўғирлади. Дунёнинг энг қиммат рубль, доллар, динар ва флоринларини топиш қийин, аммо йўқотиш осон, дейишди нумизматлар.

## ТЕХНОЛОГИЯ

Американинг Facebook ижтимоий тармоғи Буюк Британиянинг Ахборот бўйича ваколатли бошқарма (ICO) билан биргаликда фойдаланувчиларга тегишли маълумотлар Cambridge Analytica компанияси орқали чиқиб кетишидан сўнг 500 минг фунт стерлинг (ёки 580 минг евро) тўлаб берадиган бўлди.

## ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ДАХЛДОР МОЖАРО



Дунёнинг энг йирик ижтимоий тармоғидан жарима ундиришга оид қарор Британиянинг ваколатли идораси томонидан ўтган йилнинг октябр ойида чиқарилган эди, бироқ Facebook компанияси апелляцияга берган эди. Энг қизиғи, жаримани тўлашга рози бўлса-да, Facebook ўз айбини тан олмайпти. Пуллар мамлакатнинг молия вазирлигидаги жамғармага келиб тушади.

“Ваколатли ташкилотнинг фикрича, мазкур келишув Facebook фойдаланувчилари ҳисобланмиш Буюк Британияга тегишли шахсий маълумотлар соҳиблари талабларига тўла жавоб беради. Томонлар қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш бўйича ишларни давом эттириш ниятида”, - дейилади матнда.

Тегишли ташкилотлар терговига кўра, 2007 йилдан 2014 йилга қадар Facebook фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини мобиль илова ишлаб чиқарувчиларига тақдим этиш орқали уларни нотўғри қайта ишлаганликда айбланмоқда. Натижада, GSR компанияси 87 миллион нафар одамларга оид маълумотларни ўзларининг рухсатсиз ноқонуний қўлга киритган, жумладан бир миллион нафар британияликларга тегишли маълумотларга ҳам дахл қилинган. Натижада ахборотлар Cambridge Analytica компанияси томонидан сайловчиларнинг сиёсий истакларини таҳлил қилиш мақсадида фойдаланилган. Улар сайлов натижасига таъсир кўрсатиш учун турли мазмундаги сиёсий эълонларни шахсий почталарга жўнатганликда айбланган.

Бу амалиёт кенг жамоатчилик ўртасида тарқалгач компания раҳбари Марк Цукерберг АҚШ Конгрессидаги эшитувларда икки марта нутқ сўзлади ва юқоридаги суистеъмолчиликларга қарши курашишга қаратилган чораларни қўллашига тўғри келди.

## “STANDARD AND SENSITIVE RATINGS” ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

“STANDARD AND SENSITIVE RATINGS” Рейтинг агентлиги МЧЖ, бундан кейин (“SNS RATINGS” PA), 2019 йил апрель ойида, Ўзбекистон рейтингини оширишга қаратилган ҳукумат қарорларини бажариш доирасида ва Республика молия-кредит ташкилотларига рейтинг бериш мақсадида ташкил этилган. Тўлов қобилияти рейтингини бериш, “SNS RATINGS” PA томонидан ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси молия-кредит ташкилотларининг рейтинг баҳосини бериш бўйича тартиб-қоидалар ва услубий тавсиялар (кўрсатмалар) асосида амалга оширилади.

Миллий кредит рейтингини бериш, “SNS RATINGS” PA томонидан, Республика молия-кредит қорхоналарига рейтинг бериш бўйича услубий тавсиялар ва халқаро рейтинг агентликлари стандартлари ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва молия бозори иштирокчилари миллий уюшмаси ва микромолия институтлари мил-

лий уюшмаси томонидан қабул қилинган методика доирасида амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда, “SNS RATINGS” PA тузилган шартномаларга асосан, 27 та молия бозори иштирокчилари миллий уюшмаси иштирокчилари ва 37 микромолия институтлари миллий уюшмаси иштирокчиларига рейтинг бериш ва берилган рейтингларни мо-

ниторинг қилиш ишларини бошлаган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг нуфузли акциядорлик жамиятлари билан қимматли қоғозлар эмитентларига рейтинг бериш бўйича шартнома тузиш масаласида музокаралар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги №ПК – 3620 сонли, 2018 йил 13 июлдаги №ПК – 3852 сонли, 2018 йил 19 июлдаги №ПК – 3874 сонли қарорлари доирасида ҳамда келгусида агентликнинг мамлакат молия бозорида кўрсатадиган хизматларнинг доирасини кенгайтириш мақсадида, “SNS RATINGS” PA томонидан янги рейтинг маҳсулотлари ишлаб чиқилди. Жумладан: “Тижорат банкининг кўрсатган хизматлари сифатининг миллий шкала бўйича рейтингини”, ҳамда “Тижорат банкларининг инвестицион жозибдорлигининг миллий шкала бўйича рейтингини”.

## АГЕНТЛИКНИНГ МИЛЛИЙ РЕЙТИНГ ШКАЛАСИ (BQR - BANK QUALITY RATING)

| Туркум    | Тавсифи   |
|-----------|---|
| BQR7 (uz) | Банкнинг мижозларга кўрсатаётган хизматларининг сифати <b>ЭНГ ЮҚОРИ</b> . Банк томонидан узоқ муддат давомида юқори даражада ички ва ташқи сифат стандартлари татбиқ қилиниб, кенг қўллаб келинмоқда ва Банк ушбу стандартларга буткул мослашган. Банк ичда доимий тарзда сифатнинг самарали назорати олиб борилади. Банк раҳбарияти томонидан сифатни бошқаришнинг асосий масалаларига алоҳида эътибор ажратилади. Ушбу даражадаги рейтингга эга бўлган Банк, Ўзбекистон Республикасида банк хизматларининг сифатини баҳолашнинг рейтинг моделининг барча параметрлари бўйича энг юқори сифат кўрсаткичларига эга.   |
| BQR6 (uz) | Банкнинг мижозларга кўрсатаётган хизматларининг сифати <b>ЮҚОРИ</b> . Банк томонидан яқин вақтдан бери юқори даражада сифат стандартлари мувофақиятли татбиқ қилиниб, уларга риоя қилинмоқда. Банкнинг Маъсул хизмати томонидан доимий тарзда мижозларнинг Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳақида фикрлари мониторинг (ўрганиш) қилинади. Банкда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати менежмент хизмати ташкил этилиб, мувофақиятли ишламоқда. Банк томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига “SNS Ratings” Рейтинг агентлиги аниқлаган барча жиҳатларида, жумладан Анкета сўровнома орқали аниқланган жиҳатларида етарлича эътибор қаратади, ва бу мижозларга хизмат кўрсатишда аниқланган камчиликлар деярли йўқлигини кўрсатади. |
| BQR5 (uz) | Банкнинг мижозларга кўрсатаётган хизматларининг сифати <b>ЕТАРЛИ</b> ва Ўзбекистон Республикаси банк тизими кўламида етарли даражага эга. Тижорат Банки ўз мижозларига хизмат кўрсатиш жараёнида сифатни бошқаришнинг барча муҳим жиҳатларини тўлиқлигича эътиборга олади. Банкда келгусида банк хизматларини сифатини яхшилаш бўйича доимий ва режалаштирилган ишлар олиб борилмоқда. Мижозлар фикрини аниқлашнинг сўров усули шуни кўрсатадики, истеъмолчилар томонидан даъволар билан боғлиқ бўлган муаммолар хозирча йўқ ёки аҳамиятсиз даражада.   |
| BQR4 (uz) | Тижорат банкининг ўз мижозларига кўрсатадиган хизматлар сифати <b>ЎРТАЧА</b> даражада. Ҳозирги вақтда, Банк ўз ишида банк хизматларини сифатини бошқаришнинг барча муҳим жиҳатларидан фойдаланади. Банкда мунтазам равишда банкнинг мижозларга кўрсатадиган хизмат турларини ошириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилаш бўйича тегишли чора тadbирлар ва ишлар амалга оширилади.  |
| BQR3 (uz) | Кўрсатилаётган банк хизматлари сифати <b>ҚОНИҚАРЛИ</b> даражада. Тижорат Банки катта, лекин хали фойдаланилмаган, банк мижозларига кўрсатилаётган хизматлар сифатидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш потенциалига эга. Тижорат Банки бизнеси учун жиддий зарар йўқлигига қарамастан, кўпгина масалаларда менежмент сифати, сифатни бошқариш, банк хизмат кўрсатиш сифати мониторинги, ахборот сиёсати кўламида муҳим камчиликлар мавжуд.   |
| BQR2 (uz) | Банкнинг мижозларига кўрсатаётган хизматлари сифати <b>ЮҚОРИ ЭМАС</b> . Тижорат банки томонидан ўз мижозларига кўрсатаётган хизматлари сифатини бошқариш масалаларига етарлича эътибор қаратмайди. Банкда кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини баҳолаш ва тадқиқ этиш тизими доимий равишда йўлга қўйилмаган. Ҳозирги кунда тижорат банки мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича аниқ ҳаракат режасига эга эмас. Банкнинг Маркетинг хизмати етарли даражада ишламайди. Юқоридагини инобатга олиб, Банк ўз рақобатчиларидан, мижозларга тақдим қилинадиган хизматларнинг миқдори ҳам сифати бўйича, ортада қолади.   |
| BQR1 (uz) | Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати <b>ПАСТ ДАРАЖАДА</b> . Банк томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини бошқариш масалаларига умуман эътибор қаратилмайди ёки жуда кам эътибор ажратилади. Кўпинча Банк ўз рақобатчиларидан кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича ортада қолади. Банкда кўрсатилаётган хизматлар сифатига тегишли бўлган мижозларнинг даъволари мавжуд ҳамда Банк учун сезиларли даражада мижозларнинг кетиши мавжуд.   |



**ТАРАҚҚИЁТНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИНГ**

**1 C дастурий маҳсулотлар учун  
тўлиқ хизмат турлари**

**Молиявий ва бошқарув  
ҳисоботларини авtomатлаштириш**

**Мукамал лойиҳа ечимлари ва уларнинг  
тадбиқ этилиши**

**Дастурий таъминотни эксплуатациясида  
мижознинг иштироки**

**БИЗНЕСИНГИЗНИ БУГУНДАН  
АВТОМАТЛАШТИРИНГ**

**Алоқа учун:  
+998 99 858 99 79, +998 95 194 91 99**

**ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР,  
“БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ”  
ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

Сиз газетга обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) орқали шартномани тўлдириб, таҳририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агент-

лигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат таҳририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

**ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон Республикаси

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“MATBUOT TONGI” МЧЖ – (90-599-58-98)

Навоий вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“MATBUOT SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**

**Банк, бизнес ва иқтисодиёт  
соҳаларига доир батафсил  
маълумотларни фақат  
бизнинг газетамиздан ўқиш  
мумкинлигини унутманг!**

**Обуна бўйича  
муурожаат учун**

**Тел.:**  
(998) 97 776 60 18  
71 234 43 18

**Факс:**  
(998) 71-234-43-18.

**E-mail:**  
[info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz)

**ОБУНА  
ИНДЕКСИ-102**

**БАНК АХБОРОТНОМАСИ**

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор  
Ўқтам АБДУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир  
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош муҳаррир ўринбосари  
Умидда ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун  
Тел: 99897 776 60 18  
71 234 43 18  
Факс: 71 234 43 18  
Нашр индекси-102

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ахборот кўмаги  
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ

Таҳририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,  
23-уй e-mail: [bankaxborotnomasi@mail.ru](mailto:bankaxborotnomasi@mail.ru),  
[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) телеграм каналимиз  
@bank\_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”  
МЧЖ

Газета таҳририятининг техник ускуналарида  
саҳифаланди.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни қўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба куни чиқади.

Буюртма № г 1103

Адади 1720 нусха

Нархи шартнома асосида.

Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.  
Босишга рухсат этилди: 06.11.2019 й.,

1 2 3 4 5 6